

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Үн.23.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

ХАЙИТОВ ХУШВАҚТ САПАРБАЕВИЧ

**ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИДА ЭКСПЕРТИЗА ЎТКАЗИШНИНГ
ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.02 - Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**Юридик фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Science (DSc)

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич Қонун ижодкорлигида экспертиза ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.....	3
Хайитов Хушвақт Сапарбаевич Совершенствование организационно-правовых основ проведения экспертизы в законотворчестве.....	33
Khayitov Khushvakt Saparbayevich Improvement of organizational and legal bases of carrying out expertise in lawmaking	63
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	67

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Yu.23.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

ХАЙИТОВ ХУШВАҚТ САПАРБАЕВИЧ

**ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИДА ЭКСПЕРТИЗА ЎТКАЗИШНИНГ
ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.02 - Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**Юридик фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.DSc/Yu67 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюми) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.dba.uz/uz/tad-i-otchilarga/ilmiy-kengash) ва «Ziyonet» таълим ахборот тармоғида (www.zionet.uz) жойлаштирилган.

Расмий оппонентлар: **Хамедов Иса Ахлиманович**
юридик фанлар доктори, профессор
Мухамеджанов Омонулла Зокирович
юридик фанлар доктори, профессор
Рузиев Зафар Райимович
юридик фанлар доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш маркази**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Yu.23.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____кунни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45. Тел.: (99871) 232-60-80; факс: (998971) 232-60-66; e-mail: info@dba.uz).

Докторлик диссертацияси билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45. Тел.: (99871) 232-61-25).

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____да тарқатилди.

(2018 йил «___» _____даги __рақамли реестр баённомаси).

О.Т. Хусанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Ж.Н. Нематов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

И.Т. Тультеев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, доцент

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё мамлакатларида қонунчиликнинг сифатини таъминлаш муаммоси тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Хусусан, БМТнинг 1986 йил 4 декабрдаги 41/128-сонли резолюцияси асосида тасдиқланган Ривожланиш ҳукуқи тўғрисидаги декларацияда инсон ривожланиш жараёнларининг асосий субъекти эканлиги таъкидланиб, давлатларнинг инсонлар ривожланиш ҳуқуқларини таъминлашга оид мажбуриятлари белгиланган. Шунингдек, давлатлар сиёсий ҳамда қонунчиликка оид дастурларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш орқали миллий ҳамда халқаро даражада тараққийпарвар мустаҳкамлаш чораларни кўриши зарурлиги кўрсатилган. Нуфузли халқаро ташкилотлар: БМТнинг Тараққиёт дастури, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (OECD), Жаҳон банки, Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан давлатларнинг сиёсий тузилмалари фаолияти, қонунчилик ҳолати ва сифати турли кўрсаткичларда давлатларнинг ривожланганлик рейтингини белгилаб берувчи муҳим омиллардан бири сифатида баҳоланади¹.

Жаҳонда ривожланган мамлакатлар қонун ижодкорлиги фаолиятида қонунчиликни такомиллаштиришнинг самарали воситаларини қўллаш, мазкур соҳа экспертлик таъминотини ривожлантириш ва қонунчилик муаммоларини ўрганишга оид илмий тадқиқотларга алоҳида аҳамият бермоқда. Бу борада қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнлари сифатини ошириш, ҳуқуқий базанинг халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормаларига мувофиқлигини таъминлаш, норма ижодкорлиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, норма ижодкорлиги фаолиятининг институционал асосларини кучайтириш, қонун ижодкорлигига жамоатчилик муҳокамаларининг таъсир даражасини ошириш, қонунларни жорий этишда юзага келиши мумкин бўлган оқибатларни прогноз қилиш ва баҳолашни самарали йўлга қўйиш каби тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлаш мақсадида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да «қабул қилинаётган қонунларнинг амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга йўналтирган ҳолда қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш»² каби вазифалар белгиланган. Бу эса давлатнинг қонун ижодкорлиги фаолиятида қонунлар тайёрлаш ва қабул қилиш жараёни сифатини ошириш, қонунларнинг ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий

¹ www.undp.org, www.worldbank.org, www.globalinnovationindex.org

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

тартибга солиш барқарорлигини таъминлаш, қонун лойиҳалари экспертизаси самарадорлигини ошириш, қонун лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш борасида қатъий талабларни шакллантириш, қонун нормаларини ҳар томонлама, чуқур асослаш, қонун ижодкорлигида ҳуқуқий, коррупцияга қарши, иқтисодий, гендер, юридик-лингвистик ва бошқа экспертизаларни ўтказиш бўйича ташкилий-ҳуқуқий механизмларни ривожлантиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги, «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги, «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги, «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5308-сон, 2018 йил 8 августдаги «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5505-сон фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 17 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қонун лойиҳаларига доир фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 345-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹. Қонун ижодкорлиги фаолиятини экспертлик таъминлаш ҳамда қонунчилик муаммоларини тадқиқ этишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Congressional Research Service, Gruter Institute for Law and Behavioral Research, University of California (АҚШ), The Manchester Centre for Regulation and Governance, Economic and Social Research Council, Parliamentary Office of Science and Technology (Буюк Британия), Continental law Foundation (Франция), The University of Ottawa (Канада), Intellectual Property Law and Policy Institute at Meiji University, Institute of Legal Studies at

¹ <https://www.loc.gov>, <https://www.law.berkeley.edu>, <https://www.gruterinstitute.org>, <https://www.law-manchester.ac.uk>, <https://www.esrc.ac.uk>, <https://www.parliament.uk/post>, <https://www.fondation-droitcontinental.org>, <https://www.uottawa.ca>, <https://www.meiji.ac.jp>, <http://www.kansai-u.ac.jp>, <https://www.nars.go.kr>, <https://www.iolaw.org.cn>, <https://www.centrlaw.ru>, <https://www.izak.ru>, <https://www.tsul.uz>. ва бошқа манбалардан олинган.

Kansai University (Япония), The National Assembly Research Service (Корея Республикаси), The Institute of Law (ХХР), Ҳуқуқий тадқиқотлар ва қонунчиликни ривожлантириш маркази, Қонунчилик ва қиёсий ҳуқуқшунослик институти (Россия), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти, Тошкент давлат юридик университетида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Қонун ижодкорлиги фаолиятида экспертиза институтининг самарадорлигини ошириш бўйича жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижаларга эришилган: ҳуқуқнинг инсон ҳуқ-атвориға таъсирини эътиборға олиш асослантирилган (Gruter Institute for Law and Behavioral Research); илмий ва эксперт доиралар вакиллариининг қонунчилик ва ҳуқуқий тартибға солишни такомиллаштириш бўйича таклифларининг онлайн ахборот тизимларини шакллантириш зарурати асослантирилган (Parliamentary Office of Science and Technology); ҳуқуқий тадқиқотлар орқали ҳуқуқнинг ижтимоий муносабатларға таъсирини баҳолашнинг комплекс тизими амал қилиши лозимлиги очиб берилган (The University of Ottawa); ҳуқуқий тизимға халқаро муносабатлар таъсирини турли соҳа мутахассислари ҳамкорлиги асосида ечим топиш имконияти кўрсатиб берилган (Institute of Legal Studies at Kansai University); тадқиқот муассасалари қонунчиликни такомиллаштиришда «ғоялар банки», «ақлий трест» вазифасини бажариши асослантирилган (The Institute of Law); қонун ижодкорлигида муайян ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибға солиш эҳтиёжини аниқлаш ва унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятларини инобатға олиш методикаси ишлаб чиқилган (Ҳуқуқий тадқиқотлар ва қонунчиликни ривожлантириш маркази); қонун лойиҳаларининг илмий асослантирилганлигини фан ва амалиёт ўзаро ҳамкорлигининг оптимал моделини шакллантириш орқали таъминлаш механизми очиб берилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти).

Дунёда қонун ижодкорлигини экспертлик таъминлаш ва қонунчилик муаммолари бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: қонунларнинг тартибға солувчи таъсирини баҳолаш; давлат бошқарувида тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунлар қабул қилишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш; қонун ижодкорлигида «ақли тартибға солиш» модели элементларини қўллаш; қонун ижодкорлигида экспертлик тузилмаларининг иштироки ва мустақиллигини кучайтириш; қонун лойиҳаларини илмий, иқтисодий, коррупцияға қарши ва жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш; қонун лойиҳалари экспертизасида нодавлат институтлар иштирокини кенгайтириш; қонун лойиҳалари экспертизасининг аҳоли турли қатламлари манфаатларини инобатға оладиган муқобил шаклларини ривожлантириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қонун ижодкорлигини экспертлик таъминлаш механизмини такомиллаштириш мавзусида бевосита тадқиқот олиб борилмаган бўлса-да, қонун лойиҳалари экспертизасининг у

ёки бу жиҳатлари хорижлик олимлар Н.А. Власенко, В.С. Нерсесянц, Т.М. Татишвили, В.П. Казимирчук, О.А. Короткова, М.В. Кострицкая, Н.А. Калинина, Д.А. Керимов, А.С. Пиголкин, С.В. Поленина, Ю.А. Тихомиров, Т.Я. Хабриев, Д.В. Чухвичев (Россия), О. Вейнингер, Ж. Котерил (АҚШ), Жеофрей Боуман (Буюк Британия), Г. Кельзен (Австрия), Р. Иеринг, Руперт Шик, Вольфганг Цее (Германия) сингари олимларнинг илмий ишларида ўрганилган.

Мамлакатимиз ҳуқуқшунос олимларидан Ш.З. Уразаев, А.Х. Саидов, А.А. Азизхўжаев, М.А. Ахмедшаева, Ҳ.Б. Бобоев, Б.И. Исмаилов, З.М. Исломов, Г.Р. Маликова, Ў.Х. Муҳамедов, О.З. Муҳамеджанов, М.К. Нажимов, Ҳ.Т. Одилқориев, Х.И. Рузметов, Ф.Ҳ. Отахонов Л.А. Саидова, Ф.Х. Рахимов, И.Т. Тультеев, М.М. Файзиев, Ш.Х. Файзиев, Э.Ҳ. Халилов, И.А. Хамедов, Р.Р. Хақимов, О.Т. Хусанов, Б.Д. Абдуллаев, Л.М. Бойко, Ш.Н. Бердияровлар томонидан тадқиқот мавзусининг умумназарий масалалари ҳамда қонун лойиҳалари экспертизасининг айрим жиҳатлари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган¹.

Миллий фанимизда мавзу доирасида махсус олиб борилган илмий изланишлар қонун ижодкорлиги илмий асослари ривожидида муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, мамлакатимизда профессор Ҳ.Т. Одилқориев Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёнининг ўзига хос жиҳатлари, унинг босқичлари ва қонунчилик техникасининг долзарб муаммоларини, Э.Ҳ. Халилов эса қонун чиқарувчи ҳокимият тармоғи фаолиятининг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этганлар.

Ҳуқуқшунос П.А. Рустамов ушбу йўналишда олиб борган тадқиқотида Ўзбекистон Республикасида қонун ижодкорлиги фаолиятининг илмий-ахборот таъминоти хусусиятлари, мазмуни, унинг юридик табиати ҳамда қонун ижодкорлигида илмийлик принципининг моҳиятини ёритишга ҳаракат қилган. Ҳуқуқшунос олим Б.Д. Абдуллаев эса қонун лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизасини ўтказишнинг юридик табиати ҳамда ҳуқуқий механизмлари масалаларини ўрганиб, қонун ижодкорлигида ҳуқуқий экспертиза ўтказишнинг асосий йўналишларини тадқиқ этган. Бироқ ушбу тадқиқот ишида жамоат, юрислингвистик, гендер, халқаро-ҳуқуқий, криминологик экспертизалар ҳақида сўз юритилган бўлса-да, уларни ўтказиш механизмлари етарлича очиқ берилмаган.

Қонун ижодкорлигига бағишланган илмий тадқиқот ишларидан яна бири Ш.Н. Бердияров томонидан олиб борилган «Икки палатали парламент шароитида қонунчилик техникаси (назария, методология, амалиёт)» мавзусидаги тадқиқот иши бўлиб, унда қонунчилик техникасининг умумий масалалари ва ўзига хос хусусиятлари, қонун лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизасида қонунчилик техникасининг ўрни каби масалалар тадқиқ этилган.

Юқорида қайд этилган олимларнинг ишларида айнан қонун ижодкорлигини экспертлик таъминлашнинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари

¹ Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

комплекс ўрганилмаган. Шу сабабли, ушбу мавзуни монографик тарзда тадқиқ қилиш долзарбдир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режаси ҳамда «Ўзбекистонда давлат ва жамият бошқарувининг долзарб муаммолари», «Давлат бошқаруви ва давлат хизмати тизимини ислоҳ қилиш муаммолари» илмий-тадқиқот ишларининг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади қонун ижодкорлиги босқичларида турли экспертизалар ўтказишнинг илмий-назарий ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш бўйича асослантирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«қонун лойиҳалари экспертизаси» тушунчаси ва моҳиятини таҳлил қилиш, унга ҳуқуқий таъриф бериш ва унинг қонун ижодкорлигидаги ўрнини аниқлаш;

қонун лойиҳалари экспертизаси шакл ва турларини таҳлил қилиб, уларни таснифлаш мезонларини кўрсатиб бериш;

қонун ижодкорлигида қонун лойиҳаларини экспертизадан ўтказишнинг ҳуқуқий асосларини ўрганиш асосида уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

қонун лойиҳаларини экспертизадан ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмининг ёритиш, унинг субъектлари ва фаолият тамойилларини илмий таҳлил қилиш;

қонун лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш юзасидан қонун ижодкорлиги субъектлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар билдириш;

қонун лойиҳалари бўйича экспертларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини таҳлил қилиш асосида уларнинг қонун лойиҳасини тайёрловчи субъектлар билан муносабатларини ўрганиш;

қонун лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва шу билан боғлиқ бўлган қонунчилик техникасини такомиллаштиришга қаратилган хулосаларга келиш;

қонун лойиҳаларини экспертизадан ўтказувчи субъектлар фаолияти кафолатларини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий таклифларни шакллантириш;

айрим хорижий ривожланган мамлакатларнинг қонун ижодкорлигига оид тажрибасини ўрганиш асосида қонун лойиҳалари экспертизаси бўйича миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини мамлакатимиз қонун ижодкорлигида қонун лойиҳаларини турли хил экспертизалардан ўтказиш билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини мамлакатимиз қонун ижодкорлигини экспертлик таъминлашга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда қонун лойиҳаларини экспертизадан ўтказишнинг механизми тўғрисидаги илмий-назарий ғоя, фикр ва қарашлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни бажариш жараёнида тизимлилик, қонунчилик нормаларини таҳлил қилиш ва уларни қўллаш амалиётини ўрганиш, хорижий мамлакатлар қонунчилигини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш, анкета сўровлари ўтказиш, қонун лойиҳалари экспертизасини ўтказишга оид маълумотларни таҳлил қилиш, кузатиш, комплекс ёндашув, абстракция, дедукция, индукция, синтез, мантиқий, тарихий, тизимли, ҳуқуқий эксперимент, статистик методлар ва тадқиқот олиб боришнинг бошқа усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қонун лойиҳаларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритилгунига қадар фуқаролик жамияти институтлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг вакиллари иштирокида тайёрланиши қонунларнинг халқчил ва мукамал қабул қилинишига хизмат қилиши асослантирилган;

қонун лойиҳалари матнларида тегишли қонунлар қабул қилинганидан кейин уларнинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини ташкил этиш учун масъул бўлган давлат органлари кўрсатилиши қонунларнинг сифатли ижро этилишига ҳисса қўшиши асослантирилган;

қонун лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизаси ва оммавий муҳокама қилинишини жамоатчилик назоратининг алоҳида шакли сифатида белгилаш қонун лойиҳаларини тайёрлаш самарадорлигини оширишда муҳим омил эканлиги асослантирилган;

жамоатчилик назорати объектига қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда жамоатчилик манфаатлари ва фикрини ҳисобга олишга доир фаолиятни киритиш ҳамда унинг холислик принципи асосида ўтказилиши лозимлиги асослантирилган;

қонун лойиҳалари матнларида муайян соҳага оид бўлган ва тор доирадаги мутахассисларгина тушунадиган атамаларнинг изоҳини кўрсатиш, шунингдек, ваколатли давлат органларининг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини алоҳида белгилаш зарурлиги асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қонун лойиҳаларини ҳуқуқий, молиявий, иқтисодий, илмий, гендер, жамоатчилик экспертизаларидан ўтказиш механизмини такомиллаштириш қонунларнинг давлат ҳуқуқий сиёсатида уйғун ҳолда ишлаб чиқилишига хизмат қилади;

қонун лойиҳалари экспертизаси жараёнининг принципларини қонунчиликда мустаҳкамлаш экспертлар фаолияти самарадорлиги ва уларнинг мустақиллигини кучайтиришга ҳисса қўшади;

қонун ижодкорлигини экспертлик таъминлашга оид норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга оид таклифлар қонун лойиҳаларини мукамал ишлаб чиқиш имкониятини беради;

қонун лойиҳалари жамоатчилик экспертизасини алоҳида жамоатчилик назорати шакли сифатида белгилаш қонун лойиҳаларида жамоатчилик манфаатларини тўлароқ ифода этишга шароит яратади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишининг хулосалари қонун лойиҳалари экспертизасига оид хорижий мамлакатлар ва миллий қонунчилик нормалари ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш асосида илгари сурилган. Шунингдек, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда қўлланилган назарий ёндошув ва усуллар расмий манбалардан олингани; ўтказилган социологик сўровнома натижалари анкета шаклларида асослангани; хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилиб, ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация ишининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан келгусида илмий фаолиятда, қонун ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётини қонун ижодкорлигини экспертлик таъминлашга оид қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда конституциявий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, юридик техника, норма ижодкорлиги каби фанлари (курслари)ни илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади. Қонун лойиҳаларини экспертизадан ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизми таҳлили натижасида олинган натижалар ушбу йўналишдаги методологик-услубий ёндашувларни такомиллаштиришда, келгусида бу борада фундаментал илмий тадқиқотлар олиб боришда фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, унда ишлаб чиқилган амалий тавсия ва хулосалардан қонун лойиҳаларининг ҳуқуқий, молиявий, иқтисодий, илмий, гендер, жамоатчилик экспертизаларидан ўтказишни тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштиришда, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантириш ҳамда қонун ижодкорлигини амалга оширувчи субъектлар фаолиятини экспертлик таъминлаш самарадорлигини оширишда ҳамда олий юридик таълим муассасаларида давлат-ҳуқуқий фанларни ўқитишда манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қонун ижодкорлигини экспертлик таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга оид тадқиқот бўйича олинган илмий натижалардан қуйидагиларда фойдаланилган:

қонун лойиҳаларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритилгунига қадар фуқаролик жамияти институтлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг вакиллари иштирокида тайёрланишига доир таклиф Ўзбекистон Республикасининг «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг

Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги қонунига (16-модда) ўзгартиш ва қўшимча киритиш жараёнида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2018 йил 14 мартдаги 06/1-05/2683 вх-сон маълумотномаси). Илмий натижадан фойдаланиш қонун ижодкорлигида жамоатчилик ҳамда илмий доира вакиллари фикрини ўрганиш фаолиятини кучайтиришга хизмат қилган;

қонун лойиҳалари матнларида тегишли қонунлар қабул қилинганидан кейин уларнинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини ташкил этиш учун масъул бўлган давлат органлари кўрсатилиши ҳақидаги таклифлар Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонунига (24-модда) ўзгартиш ва қўшимча киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2018 йил 14 мартдаги 06/1-05/2683 вх-сон маълумотномаси). Илмий натижадан фойдаланиш қонундаги нормаларни ижро этиш ва уни аҳоли ўртасида тарғиб этиш механизмини ривожлантиришга хизмат қилган;

қонун лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизаси ва оммавий муҳокама қилинишини жамоатчилик назоратининг алоҳида шакли сифатида белгилаш ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонуни (9, 12-моддалари) лойиҳасини тайёрлашда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг 2018 йил 19 апрелдаги 05/02-11-49-сон маълумотномаси). Илмий натижадан фойдаланиш жамоатчилик назоратининг жамоатчилик экспертизаси, жамоатчилик муҳокамаси каби шакллариининг ҳуқуқий асосланишига ҳисса қўшган;

жамоатчилик назорати объектига қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда жамоатчилик манфаатлари ва фикрини ҳисобга олишга доир фаолиятни киритиш ҳамда унинг холислик принципи асосида ўтказилиши лозимлиги ҳақидаги таклифлар Ўзбекистон Республикасининг «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонуни (4, 5-модда) лойиҳасини тайёрлашда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг 2018 йил 19 апрелдаги 05/02-11-49-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш қабул қилинаётган қонунларда жамоатчилик манфаатлари ва фикрини ҳисобга олишнинг ҳуқуқий механизмини такомиллаштиришга ва бунда холислик принципининг белгиланишига ҳисса қўшган;

қонун лойиҳалари матнларида муайян соҳага оид бўлган ва тор доирадаги мутахассисларгина тушунадиган атамаларнинг изоҳини кўрсатиш, шунингдек, ваколатли давлат органларининг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини алоҳида белгилаш ҳақидаги таклифлар Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги қонуни (3, 12, 16,

17, 26-моддалари) лойиҳасини тайёрлашда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасининг 2018 йил 28 августдаги 06/02-05/615-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш қонун лойиҳаси матнида муайян мутахассисликка оид атамалардан фойдаланиш ва ваколатли давлат орган ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашнинг ҳуқуқий механизмини мустаҳкамлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро, 13 та республика илмий-амалий конференция материаллари ҳамда давра суҳбатларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 34 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 17 та мақола (3 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг матни 245 саҳифани ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, тадқиқотнинг мақсад ва вазибалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг «**Қонун ижодкорлигида экспертиза ўтказишнинг назарий-ҳуқуқий асослари**» деб номланган биринчи бобида «қонун лойиҳалари экспертизаси» тушунчаси, унинг аҳамияти, турлари, шакллари ва уни ташкил этиш билан боғлиқ масалалар, соҳага тегишли қонун ҳужжатлари тизимли равишда таҳлил этилган ҳамда очиб берилган.

Ушбу бобнинг «Мамлакатни модернизация қилиш шароитида қонун ижодкорлиги экспертизасини ривожлантириш зарурати ва унинг функциялари» деб номланган биринчи параграфиди қонун лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш механизми тушунчаси ва унинг зарурати, мақсади, вазибалари, функциялари, шунингдек ривожланиш хусусиятлари ҳақида сўз юритилади. Мазкур параграфда ушбу тушунчаларга нисбатан хорижий (Г. Кельзен, И.С. Андреев, Д.В. Чухвичев, М.Ю. Тихомиров, З. Папазоски,

Л. Карин, М. Френдрич, А.С. Пиголкин) ва миллий олим (А.Х. Саидов, Х.Т. Одилқориев, И.А. Хамедов, Е.С. Канъязов, Б.Д. Абдуллаев, П.А. Рустамов)лар томонидан билдирилган нуқтаи назарлар таҳлили асосида мамлакатимизда қарор топган қонун ижодкорлиги экспертлик таъминоти тизимининг ўзига хос ва ноёб институт сифатидаги ўрни ҳамда роли очиб берилди.

Диссертацияда қонунлар мукамаллигига эришишда экспертизадан ўтказиш механизми ҳал қилувчи аҳамият касб этиши таъкидланиб, ушбу тушунчага муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди. Шунингдек, турли экспертизалар ўтказишнинг умумий ва махсус вазифаларини фарқлаш лозимлиги таъкидланиб, улар тавсияланган.

Параграф доирасида қонун лойиҳалари экспертизаси вазифа ва функциялари бўйича фикр юритган олимлар (Т.М. Татишвили, О.А. Короткова, А.Н. Попов, Н.Л. Хананашвили)нинг қарашлари ўрганилиб, бугунги экспертлик амалиёти ва назариясида унинг бир қатор функциялари кўрсатилиб берилди. Унга кўра, экспертиза баҳолаш, ахборот бериш, қонунийликни ҳимоя қилиш, такомиллаштириш, профилактика каби функцияларни бажариши асослантилган.

Мазкур бобнинг «Қонун лойиҳалари экспертизаси тушунчаси, шакллари ва турлари таснифи» масалаларига бағишланган иккинчи параграфидида қонун лойиҳалари экспертизасини тушуниш, уни турларга таснифлаш ва уни ўтказишдаги методологик масалалар таҳлил этилган. Қонунчиликда қонун лойиҳалари экспертизаси бўйича белгиланган нормалар ёритилиб, ушбу тушунчанинг назарий жиҳатлари таҳлил этилган. Шунингдек, ушбу тушунчага муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган. Шунга кўра, «Қонун лойиҳалари экспертизаси деганда, махсус билим ва малакага эга эксперт ёки экспертлар гуруҳининг қонун лойиҳалари юзасидан натижаси хулоса тарзида расмийлаштириладиган, уларда йўл қўйилган турли камчиликларни аниқлаш, бартараф этиш, қонун лойиҳаларининг қонунчилик тизими, халқаро ҳуқуқ нормалари, қонунчилик техникаси, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларга қанчалик мувофиқлигини баҳолаш асосида асослантилган тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилган фаолият» эканлиги қайд этилган.

Бундан ташқари, ушбу экспертизани олимлар томонидан таснифлашдаги ҳар хиллик қайд қилиниб, ушбу масалада айрим олим (Х.Т. Одилқориев, Ў. Муҳамедов, М.В. Кострицкая, Т.М. Татишвили)лар¹ билан илмий мунозарага киришилган ҳамда экспертизаларни таснифлашга нисбатан муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган.

¹ Одилқориев Х. Қонун лойиҳаларини илмий-ҳуқуқий экспертиза қилишни такомиллаштириш // Қонунчилик ҳужжатларини экспертиза қилиш муаммолари. Илмий-амалий семинар материаллари. – Т.: 2005. – Б. 27.; Муҳамедов Ў. Қонун ҳужжатлари лойиҳалари экспертизасининг назарий ва амалий муаммолари // Қонунчилик ҳужжатларини экспертиза қилиш муаммолари. Илмий-амалий семинар материаллари. – Т.: 2005. – Б. 6-7.; Кострицкая М.В. Экспертная законопроектная деятельность: теоретико-правовое исследование: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук – Белгород, 2009 – С. 9.; Татишвили Т.М. Конституционно-правовые аспекты экспертного сопровождения законодательной деятельности: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: 2016. – С. 10.

Тадқиқотчининг фикрича, қонун лойиҳаларини экспертизадан ўтказишнинг умумий ва махсус (ихтисослашган) турларини фарқлаш ўринлидир. Ушбу экспертиза турлари ўзаро бир қатор хусусиятлари билан фарқланади. Қонун лойиҳаларини умумий экспертизадан ўтказиш қонун лойиҳасини тайёрлаш зиммасига юклатилган орган ёки ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилади. Ушбу экспертиза турини ўтказиш шуниси билан фарқланадики, унда тор мутахассис ва экспертларнинг иштирок этиши талаб этилмайди. Аммо заруратга кўра ушбу органлар томонидан қонун лойиҳасини қонунчилик техникаси ёки муайян соҳага оид талабларга мослаштириш мақсадида мутахассислар иштирокида ихтисослашган (молиявий, экологик, лингвистик ва бошқ.) экспертизалар ўтказилиши назарда тутилиши мумкин.

Қонун лойиҳаларини ихтисослашган экспертизадан ўтказишда қонунчилик техникасига оид билимларга эга мутахассислар ҳамда қонун лойиҳаси тартибга солиши назарда тутилган соҳа ҳақида мукамал билимга эга бўлган экспертлар иштирокидаги экспертизани тушуниш лозим. Зеро, малакали мутахассис бўлган экспертлар соҳа (тармоқ) эҳтиёжларини, унинг камчиликларини, етилган муаммоларини яхши биладилар. Шу билан бирга, бунда бирёқламалик, муайян соҳа ёки идоравий манфаатлар устун бўлишига йўл қўйилмаслик ҳам муҳим вазифа ҳисобланади.

Жамият ҳаёти ва ижтимоий эҳтиёжларнинг ранг-баранглиги экспертизани турли асосларда таснифлаш, яъни турларга ажратиш имконини беради. Шу боис, диссертант қонун лойиҳалари экспертизасига оид таснифларни таҳлил қилган ва уларга ўз муносабатини билдирган. Қонун лойиҳаларини экспертизадан ўтказишни бир неча асосларга кўра таснифлаш мумкин: биринчидан, қонун ижодкорлиги босқичларида, яъни қонунчилик ташаббуси босқичи ва қонун лойиҳаси муҳокамаси босқичларида ўтказилишига кўра; иккинчидан, қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этувчи субъектларга кўра; учинчидан, экспертизадан ўтказилаётган қонун лойиҳаси ҳажмининг камраб олинганлигига кўра; тўртинчидан, экспертизанинг фан ва техниканинг муайян ихтисослигига тегишлилигига кўра.

Муаллиф экспертиза турлари илм-фаннинг қайси бирига тааллуқли бўлишидан қатъи назар, уларнинг барчаси қонун лойиҳаларини қонунчилик техникаси қоидаларига мослиги, қонун лойиҳалари мазмуни замонавий илм-фан ютуқларига асосланиши, экспертлар юридик ҳамда махсус билимларга эга бўлишлари, улар ўз фаолиятида холис ва ҳуқуқий ҳимояланган бўлиши кераклигини таъкидлайди.

Шу билан бирга, ушбу параграфда экспертлик хулосаларини шакллантиришга оид талабларга тўхталиб, эксперт хулосасини тузишда бир хил ёндашув лозимлигини таъкидлайди. Афсуски, қонун лойиҳалари бўйича тузилган хулосалар ҳар хил таркибий қисмлардан иборат ҳамда бу хулосанинг юзаки тузилишига олиб келмоқда. Шу боис, экспертиза хулосалари кириш, баён, асослантирувчи ва хулоса қисмлардан иборат тарзда

тузилиши ва бу экспертиза хулосаларининг сифатини оширишга хизмат қилиши таъкидланиб, унинг намунавий тузилиш шакли таклиф этилган.

Ушбу бобнинг «Қонун лойиҳалари экспертизасига оид қонун ҳужжатларининг ривожланиш босқичлари ва ҳозирги ҳолати таҳлили» деб номланган параграфида тадқиқотчи томонидан мамлакатимиз тарихининг турли даврлари (қадимги дунё, ўрта асрлар, янги ва энг янги тарих)даги қонун ижодкорлик тажрибаси қисқача ёритилган ва мустақиллик йилларида ушбу йўналишда қабул қилинган қонун ҳужжатлари таҳлил этилган.

Унга кўра, мамлакатимизнинг қадимги ёзма манбаси ҳисобланган зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто» ўз даврининг муҳим ҳуқуқ манбаси ҳисобланганлиги, унда кишилар хулқига таъсир этувчи ҳуқуқий нормалар диний ва ахлоқий меъёрларда акс этганлиги, норма ижодкорлигида қоҳинлар муҳим роль ўйнаганлиги қайд этилади.

Шунингдек, узоқ йиллар мамлакатимиз тарихида шариат ҳуқуқи манбалари, айниқса, ижмо ва қиёснинг кенг қўлланилиши натижасида норма ижодкорлик амалиёти ривожланганлигини қайд этилган. Шунингдек, ушбу фаолият билан шуғулланган ҳуқуқшунос (муфтаҳид)ларнинг норма ижодкорлик фаолиятига оид жиҳатлар ўрганилган. Айниқса, уларга қўйилган талабларнинг мавжуд бўлганлиги, ушбу фаолият самарадорлигини оширишга хизмат қилганлиги таъкидланган. Ўзгича, ҳамма ҳам муфтаҳид бўла олмаган. Бунинг учун шахс араб тили ва адабиётини унга тегишли бўлган барча фанлар, айниқса, грамматик қоидалар, баён илмини, тилшунослик ва адабиётшуносликка оид билимларга эгаллиги, Қуръони каримнинг оятларини, уларнинг барча луғавий ва шаръий маъноларини чуқур билиши, ҳадис илмини эгаллаган бўлиши, саҳобалар давридан тортиб, муфтаҳид имомлар давригача ва улардан кейинги олимлар давригача исломий меъёрлар бўйича юз берган ижмоларни билиши шартлиги каби талаблар норма ижодкорлиги билан шуғулланувчи шахсларга жиддий масъулият юклаган.

Ўрта аср ҳуқуқ манбалари ривожига буюк бобоқалонларимиз улкан ҳисса қўшган. Хусусан, Бурҳониддин Марғиноний, Абу Лайс Самарқандий, Маҳмуд аз-Замахшарий томонидан ёзилган асарлар ижмо ва қиёснинг ривожланишида алоҳида аҳамият касб этган.

Тақдқиқотчи томонидан XIX асрнинг иккинчи ярмида ўлкамизга кириб келган мустамлакачилик ҳуқуқи кейинчалик социалистик тузум шароитидаги қонун ижодкорлигининг энг муҳим жиҳатлари ёритиб берилган.

Муаллиф мустақиллик йилларида қонун лойиҳалари экспертизасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ривожланишини тўрт даврга ажратиб таҳлил этган. Мазкур даврлаштиришда ўтиш даври ва қонун лойиҳалари экспертизасига оид қонунчилик ҳужжатларининг қабул қилинишини асос сифатида олган. Бу даврларнинг ҳар бирида қонун лойиҳалари экспертизаси ҳуқуқий асосларининг такомиллашуви кўрсатилиб, ушбу йўналишдаги муҳим тенденциялар аниқланган.

Шунга кўра, қонун лойиҳаларидаги камчиликларнинг комплекс хусусиятини инобатга олган ҳолда уни электрон ҳуқуқат тизимларида муҳокама қилишнинг замонавий методлари кенг қўлланилаётганлиги, қонун

лойиҳаларини нодавлат ташкилотлар томонидан кенг муҳокама этилиши ва уларнинг таклифларини умумлаштиришга, қонун ижодкорлигида идоравий манфаатлар устуворлигига йўл қўймаслик ва коррупциявий омилларни бартараф этишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганлиги, илғор хорижий тажрибани таҳлилий ўрганиш асосида қонунчиликни тубдан янги сифат босқичига кўтариш вазифаси белгиланганлиги алоҳида кўрсатилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Қонун лойиҳаларини экспертизадан ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари**» деб номланиб, унда қонун лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш субъектлари ва тартиб-таомиллари, қонун лойиҳалари экспертизасининг объекти ва эксперт баҳолаш мезонлари мазмуни, қонун лойиҳаларини экспертизадан ўтказишнинг ташкилий жиҳатлари ва тамойиллари таҳлил этилган.

Ушбу бобнинг «Қонун лойиҳаларини экспертизасидан ўтказиш субъектлари ва тартиб-таомиллари» деб номланган параграфида тадқиқотчи томонидан қонун лойиҳалари экспертлик амалиёти билан шуғулланувчи субъектлар ҳақида фикр юритилиб, унда мазкур субъектларнинг вазифалари нуқтаи назаридан уларни қуйидаги гуруҳларга бўлиб таснифлаш мақсадга мувофиқлиги асослантирилган. Унга кўра, биринчи гуруҳга қонун ижодкорлигида бевосита масъул бўлган субъектлар сифатида парламент палаталари ва қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларини, иккинчи гуруҳга қонун лойиҳалари тайёрланишида бевосита ва билвосита масъул сифатида жалб этадиган давлат ва хўжалик бошқаруви органларини, учинчи гуруҳга нодавлат нотажорат ташкилотлар, тадбиркорлик субъектлари ва мутахассисларни киритиш таклиф этилган. Шунингдек, қонун ижодкорлигида фаол экспертлик фаолиятни амалга оширадиган субъектлар ҳақида тўхталиб, уларнинг амалиёти тадқиқ этилган.

Хусусан, қонун ижодкорлигида вазирлик ва идоралар ўрни эътироф этилиб, унда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг фаолияти муҳим ўринга эгаллиги таъкидланган. Вазирлик томонидан 2017 йил давомида эса 112 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат, шу жумладан 32 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Ҳукуматга киритилган ҳамда 2171 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилган¹. Эътиборлиси, ушбу йилда вазирлик томонидан Ҳукумат Регламенти бўйича қайтарилган лойиҳалар 992 тани ташкил этган. Шунингдек, 2017 та лойиҳага розилик имзоси қўйилган бўлса, 97 та лойиҳага розилик имзоси қўйилмаган. Розилик имзоси қўйилмаган лойиҳалар 2015 йилда 101 тани, 2016 йилда 83 тани ташкил этган.

Бундан ташқари, айрим хорижий мамлакатлар (Германия, Канада, Арманистон) адлия вазирликлари амалиётидан мисоллар келтирилиб, қиёсий хулосаларга келинган. Қайд этилишича, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари юридик хизматлари

¹ Адлия органлари ва муассасалари томонидан 2017 йил давомида амалга оширилган ишлар юзасидан маълумот / Манба: <http://www.minjust.uz/uz/activity>

билан қонун ижодкорлигига оид ҳамкорлигини янада кучайтириш, вазирликнинг экспертлик фаолиятини такомиллаштириш зарурати қайд этилган.

Ушбу параграфда юридик хизматлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг юридик бўлимлари томонидан қонун лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизасига оид фаолияти ҳам ўрганилган. Бундан ташқари, янги ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институтининг амалиётига эътибор қаратилган. Унга кўра, институт томонидан 2018 йил 9 ойи давомида 42 та қонун лойиҳаси, 5 та Олий Мажлис палаталари қарорлари лойиҳалари, 23 қонун ости ҳужжати лойиҳалари, 125 та таҳлилий маълумотномалар, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотчи томонидан қонун ижодкорлигида фаол иштирок этаётган илмий тадқиқот муассасалари, нодавлат ташкилотлар фаолияти ўрганилиб, ушбу йўналишдаги ишлар самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар илгари сурилган. Тадқиқотчи томонидан қайд этилишича, сўнгги йилларда мамлакатимиз ва хорижий мамлакатлар қонун ижодкорлигида нодавлат нотижорат ташкилотлар иштирокига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки мазкур тузилмаларнинг қонун ижодкорлигида фаол иштирок этиши ижтимоий шерикликнинг муҳим шакли ҳамда қонунларда ижтимоий манфаатлар мувозанатини таъминлашнинг муҳим воситаси сифатида намоён бўлади.

Мазкур бобнинг «Қонун лойиҳалари экспертизасининг объекти ва эксперт баҳолаш мезонлари» деб номланган параграфда диссертант қонун лойиҳалари экспертизасининг объектини аниқлашга ҳаракат қилган. Унинг фикрича, ушбу экспертлик текшируви объекти бўлиб қонун лойиҳасининг мазмуни ва шакли (расмийлаштирилиши) ҳисобланиши мақсадга мувофиқ эканлиги асослантилган. Шунингдек, ушбу параграфда қонун лойиҳасининг мазмуни ва шаклига оид талаблар таҳлил этилган.

Диссертантнинг фикрича, қонун лойиҳаси мазмунига қўйиладиган талабларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

қонун лойиҳаси нормалари (унинг бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар билан мослиги, ҳаволалар, муайян муносабатни тартибга солиши, субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ифода этиши) қўлланилишининг асослилиги ва мақсадга мувофиқлиги;

қонунчилик техникасига оид талаблар (қўлланиш соҳаси, қонун тили, мантиғи, кетма-кетлиги ва расман белгиланган бошқа мазмунга оид талаблар)га мослиги;

қонун лойиҳаси сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, психологик, ташкилий мазмунининг асослилиги;

қонун лойиҳасида тартибга солиниши назарда тутилган ижтимоий муносабатлар мазмунига оид бошқа талаблар (экологик, техник, гендер, ювенал, педагогик ва бошқалар)га мослиги;

қонунлар қабул қилинганидан кейин уларнинг ижросини, ижрочиларга етказилишини таъминлаш ҳамда моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида тушунтирилишини ташкил этиш тартибининг белгиланганлиги кабилар.

Тадқиқотчининг фикрича, экспертиза жараёнида экспертиза объектини аниқлашда турли тушунмовчиликлар юзага келади. Мазкур ҳолатни бартараф этиш мақсадида, қонун лойиҳалари экспертизасини ўтказиш бўйича қабул қилинадиган қарорда экспертлар олдига муайян саволлар қўйиш лозим эканлиги ва унинг намунавий саволлари тегишли қонунчиликда белгиланиши кераклиги таклиф этилади.

Муаллифнинг қайд этишича, қонун лойиҳаси шакли (расмийлаштирилиши)га оид талаблар ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган. Унга кўра, қонун лойиҳаси қонун лойиҳаси объекти ҳисобланган элементлар: қонун лойиҳасининг номи, мақсади, асосий тушунчалар, принциплари, қонун лойиҳасининг таркибий бирликлари, алоҳида субъектларнинг ҳуқуқий ҳолати (ваколатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, имтиёзлар ва бошқ.), қонуннинг ижро механизми, қонун нормалари ижросига оид кафолатлар (ташкилий, иқтисодий, ҳуқуқий кафолатлар ва жавобгарлик), яқунловчи қоидалар ва қонунчилик техникасига оид бошқа талаблардан иборат.

Мазкур таркибий бирликларнинг ҳар бири тадқиқотчи томонидан таҳлил этилиб, уларни шакллантириш бўйича муаллифлик ёндашувлари илгари сурилган. Хусусан, муаллиф қонун лойиҳасида ваколатли давлат органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини акс эттиришга эътибор қаратиб, уларни алоҳида моддаларда белгилаш қонунни ижро этиш жараёнини осонлаштиради, деб ҳисоблайди. Тадқиқотчи айрим қонунларда ваколатли органларнинг ваколат, ҳуқуқ ва мажбуриятлари чалкаш ҳолда ёки умуман берилмаганлигини таъкидлаб, шу каби ҳолатларга йўл қўймаслик бўйича тавсиялар ишлаб чиққан.

Бундан ташқари, эксперт баҳолаш муайян мезонларга асосланиши лозимлигини асослантирган. Унга кўра, ўтказилаётган экспертлик текширувлари мазмунига таъсир этувчи умумий ва махсус мезонларни фарқлаш ўринли. Тадқиқотчининг фикрича, қонун лойиҳалари экспертизасининг умумий мезонлари сифатида қонунийлик, тизимлилик, тўлиқлик, ишончлилик, асослилик, холислик кабиларни алоҳида қайд этиш лозим. Махсус мезонлар эса экспертиза турига мутаносиб равишда тармоқ қонунчилик талабларидан келиб чиқиб белгиланиши асослантирилган.

Ушбу бобнинг учинчи (Қонун лойиҳаларини экспертизадан ўтказишнинг тамойиллари ва ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари) параграфида қонун лойиҳалари экспертизаси тамойилларининг ҳуқуқий ҳамда назарий жиҳатлари таҳлил этилган.

Тадқиқотчининг фикрича, қонун ижодкорлиги бир қатор тамойил ва талабларга асосланади. Мазкур тамойилларни аниқлашда олимлар томонидан турлича фикрлар илгари сурилган. Диссертант мазкур параграфда олимлар томонидан (Ш.З. Уразаев, З.М. Исломов, В.С. Фральцев, Ю.В. Филимонов, А. Раҳмонов) билдирилган назарий ёндашувларни таҳлил қилган ҳолда қонун

лойиҳалари экспертизасининг умумий ва махсус тамойилларини кўрсатиб берган.

Шунингдек, мамлакатимизда вужудга келган қонун ижодкорлигининг устувор принциплари Конституциямизда белгиланган нормалар билан бевосита боғлиқ эканлиги таъкидланиб, муҳим конституциявий принциплар сифатида халқ ҳокимиятчилиги, давлатнинг жамият ва фуқаролар олдида масъуллиги, ҳокимиятларнинг тақсимланиши, ижтимоий адолат, Конституция ва қонуннинг устунлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг дахлсизлиги, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги, жамоатчилик назорати, озчиликни ташкил этувчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва кадр-қимматининг камситилмаслиги кабилар эътироф этилган.

Бундан ташқари, муаллифнинг хулосасига кўра, қонун лойиҳалари экспертизаси муайян принциплар асосида ўтказилиши лозим ҳамда ушбу принципларни тегишли қонунчилик ҳужжатида ҳам акс эттириш жоиз. Бу эса қонун ижодкорлиги субъектлари фаолиятидаги принципиал ёндашувларнинг шаклланишига хизмат қилади.

Мазкур параграфда, экспертиза мазмунига уни ташкил этиш тартибининг таъсири салмоқли эканлиги қайд этилади. Муаллиф ташкилий жиҳат деганда, ушбу экспертизани ким уюштириши ёки ким томонидан ўтказилишини тушуниш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди. Экспертизани қайси субъект ўтказса, экспертиза учун берилган лойиҳа кўпроқ экспертизадан ўтказувчи тузилма бўйсунадиган орган ваколат ва вазифалари нуқтаи назаридан талқин этилади. Шу сабабли, қонун лойиҳаси жамоатчилик субъекти ёки давлат бошқарув органи томонидан экспертизадан ўтказилишидан қатъи назар, парламент томонидан экспертлик баҳолашдан ўтказилиши зарур. Чунки қонун ижодкорлигининг парламент босқичида депутатлар халқ томонидан сайланган вакиллар сифатида ўз позициясини намоён қилиши, қонунларда идоравий эмас, балки умумдавлат манфаатларининг устувор бўлишига эришмоғи лозимлиги қайд этилган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Қонун ижодкорлигида ўтказиладиган экспертиза турлари ва уларнинг ўзига хосликлари**» деб номланиб, унда қонун лойиҳаларини ҳуқуқий, юридик-лингвистик, иқтисодий, молиявий, илмий, гендер ва бошқа экспертизалардан ўтказишнинг ҳуқуқий ва ташкилий механизмлари таҳлил этилган. Қайд этилишича, бугунги кунда қонун лойиҳалари экспертизасининг 3-4 та тури фаол равишда ўтказилади. Муаллиф уларнинг 10 дан ортиқ турини таҳлил этиб, уларни ўтказиш амалиётини кенгайтириш лозимлигини таъкидлайди. Ушбу экспертизаларнинг илмий ва амалий жиҳатлари таҳлил этилиб, уларни самарали ташкил этишга оид таклифлар ишлаб чиқилган.

Хусусан, ушбу бобнинг «Қонун лойиҳаларини ҳуқуқий ва юридик-лингвистик экспертизадан ўтказишнинг ўзига хос жиҳатлари» деб номланган параграфда қонун ижодкорлиги жараёнида ўтказиладиган ҳуқуқий экспертизаларнинг мазмуни очиб берилган ва унинг комплекс хусусиятга эга эканлиги таъкидланган. Шу сабабли, диссертант шу турдаги экспертизаларни ўтказишда қонун лойиҳаси тартибга солиши назарда тутилган муносабатлар

бўйича чуқур билимга эга мутахассислар кенг жалб этилиши лозимлигини таъкидлайди.

Ушбу параграфда ҳуқуқий экспертиза доирасида ўтказиладиган юридик-лингвистик экспертизанинг аҳамияти кўрсатилиб, қонун мазмуни қонун тилисиз амалга ошмаслиги ва қонунларнинг таъсирчанлиги ҳамда самарадорлиги унинг тилига бевосита боғлиқ эканлиги кўрсатиб берилган. Шунингдек, тадқиқотчи 2017-2018 йиллар давомида иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар ва бошқа соҳа мутахассислари ўртасида ўтказилган сўровнома натижаларини таҳлил қилиб, иштирок этган 300дан ортиқ иштирокчиларнинг 48 фоизидан зиёдроғи қонунчилик тили оддий фуқаролар тушуниши учун қийинчилик туғдиради, деб ҳисоблаши ҳақидаги фикрга эътибор қаратади.

Муаллиф қонун лойиҳаларида тушуниш қийин бўлган ёки мавҳум, ноаниқ тушунча ва ибораларнинг қўлланилиши коррупцияга сабаб бўлиши билан бирга лойиҳа сифатини пасайтириши ҳамда нормаларни амалда қўллашда турли муаммоларни юзага келтиришини таъкидлаб, ушбу турдаги экспертизанинг институционал асосларини такомиллаштириш бўйича таклифларни илгари суради. Хусусан, у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институтида Қонунчилик тили тадқиқот бўлими фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда шу турдаги экспертизани ўтказишни мазкур институт ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси зиммасига юклашни тавсия этади.

Ушбу бобнинг «Қонун лойиҳаларини коррупцияга қарши ва жамоатчилик экспертизасидан ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари» деб номланган иккинчи параграфида шу турдаги экспертизаларнинг ҳуқуқий табиати таҳлил этилиб, уларни амалга ошириш механизмлари ҳақида сўз юритилади.

Қайд этилишича, коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланиб, у давлат органлари томонидан давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш каби чора-тадбирлар орқали амалга оширилади. Шу боис, ушбу экспертизани ўтказиш қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва қабул қилишга масъул органлар зиммасига улкан масъулият юклаши таъкидланади. Ушбу экспертизани ўтказиш самарадорлигини ошириш мақсадида мазкур муносабатларни тартибга солувчи махсус қонун қабул қилиш таклиф этилади. Бундан ташқари, коррупциявий омилларни қонунчиликнинг муайян тармоқларида юзага келиш сабабларини ўрганиш ва уларни бартараф этишга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш муҳимлиги таъкидланади.

Қонунларда ижтимоий адолат ва бошқа демократик ғояларнинг акс этишида қонун лойиҳалари жамоатчилик экспертизасининг ўрни таҳлил этилиб, мазкур экспертизани кенгайтириш бўйича таклифлар илгари сурилган. Таъкидланишича, жамиятдаги турли иллатларга қарши

курашишда, хусусан, қонун ижодкорлигидаги бирёқламалик, ортикча бюрократизм, бўшлиқ ва бошқа нуқсонларни бартараф қилишда жамоатчилик экспертизаси таъсирчан механизм сифатида намоён бўлмоқда. Жамоатчилик экспертизаси жамоатчилик назоратининг муҳим шакли бўлиб, давлат ва жамият ҳамкорлигининг замонавий шакли сифатида амалиётга жадал татбиқ этилмоқда. Қонун ижодкорлигида жамоатчилик фикрини ўрганиш асосида миллий қонунчилик доимий ривожлантирилиши лозим, негаки, бу давлат ҳокимияти томонидан амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий тадбирларнинг қайси бири долзарблигини аниқлашга ёрдам беради ҳамда мавжуд муаммоларнинг муносиб ечимини топишда кўмакчи вазифасини ўтайди.

Муаллиф кенг жамоатчиликнинг қонун ижодкорлигида иштирок этиши қуйидагиларга хизмат қилишини қайд этади:

қонун ижодкори қонун лойиҳасини тайёрлаш билан боғлиқ кўплаб маълумотларни тўплашга эришади ва қонунларни ижод қилишда уларни қўллаш имкониятига эга бўлади;

фуқаролар қабул қилинаётган қонунлар мазмуни билан яқиндан танишадилар ва унга таклифлар билдириш орқали халқчил қонунлар яратилишига ҳисса қўшадилар;

қонун ижодкорлиги соҳасида давлат органлари ва жамоатчилик тузилмалари ўртасида ҳамкорликнинг ишончли механизми яратилади.

Ушбу бобнинг учинчи («Қонун лойиҳаларини иқтисодий экспертизадан ўтказишнинг ўзига хос жиҳатлари») параграфида диссертант қонун ижодкорлигида иқтисодий экспертизанинг ўзига хос жиҳатларига тўхталиб, мазкур йўналишда ваколатли органлар ҳуқуқий ҳолатини таҳлил қилган. Аниқланишича, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини молиявий ва иқтисодий экспертизадан ўтказиш бўйича мезон ва ҳуқуқий тартиботлар шаклланмаган. Шу сабабли, мазкур экспертизаларни ўтказиш субъектларини, аниқ мезон ва талабларини, тартиб-таомилни, экспертлик фаолияти босқичларини ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжатда акс эттириш зарурлиги таъкидланади.

Қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда уларни иқтисодий ва молиявий экспертизадан ўтказиш орқали унинг мазмунида ҳуқуқий ва иқтисодий талабларнинг уйғунлигини таъминлаш мумкинлиги қайд этилади. Ушбу вазифани таъминлаш мақсадида Иқтисодиёт вазирлигининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши соҳасида давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат бошқарув органи сифатида иқтисодий қонунчилик базасини такомиллаштиришдаги иштирокини кенгайтириш таклиф этилади.

Бундан ташқари, қабул қилинаётган қонунларнинг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳамда давлат бюджетига таъсири бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ваколатларини кенгайтириш масаласи муҳокама этилган.

Мазкур бобнинг тўртинчи («Қонун лойиҳаларини илмий экспертизадан ўтказиш масалалари») параграфида эса қонун лойиҳалари илмий

экспертизасининг назарий, ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари ўрганилган. Тадқиқотчининг фикрича, ҳар қандай экспертиза илм-фан ютуқларига таяниб ўтказилади. Бироқ илмий экспертиза ўз олдига қўйган вазифа ва мақсадлари, хусусиятлари билан бошқа экспертизалардан фарқ қилади. Яъни, илмий экспертиза ўз номи билан илм-фан ютуқлари асосида муайян муаммоларни ўрганиб, баҳолайдиган, унга илмий ечимлар таклиф этадиган фаолият ҳисобланади. Ўз ўрнида, илмий экспертиза ҳам бир неча турларга бўлиниши таъкидланади. Жумладан, илм-фаннинг табиий, ижтимоий-гуманитар, техникавий каби йирик гуруҳлари ва уларнинг ҳар бири бир неча фан соҳаларига бўлиниши қайд этилиб, қонун ижодкорлигидаги илмий экспертизаларни: илмий-ҳуқуқий, илмий-иқтисодий, илмий-техник ва бошқа турларга ажратиб ўрганиш асослантирилган.

Бугунги глобал жараёнларда илмий экспертизага эҳтиёж ошиб бораётганлиги қайд этилиб, норма ижодкорлигининг барча босқичларида малакали илмий экспертиза ўтказиш амалиётини кенгайтириш ҳамда бунинг учун тегишли ташкилий асос ва ҳуқуқий макон барпо этиш лозимлиги таъкидланади.

Бобнинг якунловчи бешинчи параграфиди («Қонун лойиҳаларини гендер ва бошқа турдаги экспертизалардан ўтказишнинг ўзига хос жиҳатлари») қонун лойиҳалари гендер экспертизасининг амалиёти таҳлил этилиб, ушбу йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифалар очиб берилган. Қайд қилинишича, Ўзбекистонда хотин-қизларнинг оила ҳамда жамиятдаги ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш масалаларига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда.

Хотин-қизлар ҳуқуқ ва эркинларини қонунчилик асосида таъминлаш масаласи турли омилларга, жумладан, ҳуқуқий маданият, қонун ижодкорлиги тажрибаси, фуқаролик жамиятининг шаклланиш даражаси кабиларга мос тарзда юз беради. Дарвоқе, қабул қилинаётган қонунларда гендер тенгликни таъминлаш механизмларини мустаҳкамлаш жоиз. Бунинг учун қонунчилик нормаси ҳуқуқ тармоғининг қайси тармоғига тегишли бўлмасин, ушбу лойиҳа мазмунида гендер тенгликни инкор қиладиган ёки ўзгача кўринишда дахл қиладиган ҳолатни аниқлаш механизми сифатида қонун лойиҳалари гендер экспертизаси имкониятларидан фойдаланиш таклиф этилади.

Муаллиф томонидан мазкур йўналишда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва Республика «Оила» илмий-амалий маркази ваколатларини кенгайтириш зарурати кўрсатиб берилади. Тадқиқотчининг фикрича, «Қонун лойиҳалари гендер экспертизаси – инсон ҳуқуқлари ва ижтимоий фаолиятнинг муайян тармоғи бўйича етук билим ва тажрибага эга бўлган экспертларнинг қонун лойиҳалари мазмунида эркак ва аёлларнинг ҳуқуқлари ва ижтимоий имкониятлари ўртасидаги тенгсизликни баҳолаш ва турли гендер камситишларни бартараф этиш юзасидан, натижаси хулоса тарзида расмийлаштирилладиган текширув»ни тушуниш лозим.

Бундан ташқари, мазкур параграфда қонун ижодкорлигида халқаро-ҳуқуқий, хорижий, экологик, педагогик каби экспертиза турларини

Ўтказишнинг амалий аҳамияти кўрсатиб берилди. Таъкидланишича, сўнги пайтларда қонун лойиҳаларини баҳолашда хорижий экспертларни жалб этишга катта эътибор қаратилмоқда. Шу боис, қонун ижодкорлиги субъектлари томонидан халқаро (хорижий) ташкилотлар вакиллари таклиф этиш ёки тегишли қонун лойиҳасини баҳолаб бериш учун юбориш бўйича тартиб-таомилларни тегишли қонунчиликда белгилаш таклиф этилган.

Шунингдек, мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйишга қаратилган давлат ва жамоатчилик чора-тадбирлари самарадорлигини ошириш мақсадида қонунчиликда экологик экспертиза объекти сифатида қонун лойиҳаларини белгилаш асослантирилган.

Параграф якунида қонун лойиҳаларининг педагогик ва криминологик экспертизасининг зарурати асослантирилиб, ушбу экспертизаларнинг субъектларини белгилаш бўйича таклифлар илгари сурилган.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Қонун ижодкорлигида экспертиза ўтказиш механизмини такомиллаштириш масалалари**» деб номланиб, унда хорижий мамлакатлар қонун ижодкорлигида экспертиза имкониятларидан фойдаланиш амалиёти ҳамда миллий қонун ижодкорлик жараёнини экспертлик таъминлашни такомиллаштириш масалалари ўрганилган.

Ушбу бобнинг «Хорижий мамлакатлар қонун ижодкорлигида экспертиза институти: қонунчилик, амалиёт ва тажриба» деб номланган параграфида ривожланган давлатлар тажрибаси, хусусан, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия, Россия Федерацияси, Сингапур, Қозоғистон каби давлатларнинг тажрибаси ўрганилган.

Юқорида қайд этилган давлатлар ижобий тажрибасини миллий қонунчиликка татбиқ этиш мақсадида диссертант томонидан бир қатор таклифлар шакллантирилган. Жумладан, ўтказиладиган экспертизаларнинг процессуал тартибини алоҳида ҳужжатда белгилаш (Россия), мажбурий тартибда ўтказиладиган экспертиза турларини кенгайтириш (Қозоғистон), парламентга ўтказилган эксперт хулосаларини тақдим этиш (Белоруссия), экспертларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берадиган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш (АҚШ, Германия), парламент аъзолари ва ходимлари учун норма ижодкорлиги ва парламент фаолиятига оид бошқа масалалар бўйича ўқишлар ташкил этиш (Германия) каби таклифлар билдирилган.

Қонун ижодкорлигини экспертлик таъминлашга хорижий мамлакатларда ҳам алоҳида эътибор қаратилиши таъкидланган. Умуман олганда, экспертлик фаолиятини амалга оширувчи субъектлар парламент, президент, ҳукумат, вазирликлар ва бошқа органлар таркибида ёки алоҳида ташкил этилган. Шунга мувофиқ, хорижий мамлакатлар қонун ижодкорлигида иштирок этувчи экспертлик субъектлари шартли равишда учта гуруҳга бўлиб таснифланган.

Биринчи гуруҳга парламент ва унинг таркибий тузилмалари томонидан экспертиза ўтказилишини киритиш мумкин. Бу каби тузилмаларга парламент қўмита ва комиссиялари, парламент ҳузурида унга ахборот-таҳлилий материаллар етказиб берадиган тадқиқот марказлари (хизматлар), институт, бюро, кутубхона кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин¹.

Иккинчи гуруҳга қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари, давлат бошқарувининг бошқа марказий идоралари ҳамда турли муассасалар томонидан экспертиза ўтказилиши. Бу каби тузилмаларга президент, ҳукумат, Адлия вазирлиги ва бошқа марказий бошқарув органларини мисол сифатида келтириш мумкин. Қонун ижодкорлиги соҳасида давлат сиёсатини таъминлаш, қонун лойиҳаларини экспертизадан ўтказишда Адлия вазирлиги барча мамлакатларда асосий ўринда туради.

Учинчи гуруҳга қонун ижодкорлигида давлат органлари билан ҳамкорлик қиладиган нодавлат субъектларни киритиш мумкин.

Мазкур параграфда ривожланган давлатларнинг қонун ижодкорлигини экспертлик таъминлаш бўйича ўзига хос тажрибаси кўрсатиб берилган. Унга кўра, кўпгина давлатларда қонун лойиҳалари экспертизаси институционал равишда амалга оширилиб, мазкур тузилмалар профессионал асосда фаолият кўрсатади. Шунингдек, улар қонун лойиҳаларини мустақил экспертизадан ўтказиш орқали қонун чиқарувчи органларга асослантирилган, тўлиқ, холис хулосаларни тақдим этади.

Ушбу бобнинг («Қонун ижодкорлигида экспертлик амалиётини ривожлантириш истиқболлари») иккинчи параграфида қонун ижодкорлиги экспертлик амалиётига оид муаммолар таҳлил этилиб, уларни бартараф этишнинг устувор йўналишлари аниқлаб олинган ва қонун ижодкорлигида экспертлик тузилмалари фаолияти кафолатларини кенгайтириш масалалари кўриб чиқилган.

Бобни ёритишда муаллиф қатор муаммоларга эътибор қаратади. Тадқиқотчининг фикрича, қонун ижодкорлигида, биринчидан, қонун ижодкорлигидаги бирёқламалик ҳолатлари мавжудлиги, иккинчидан, айрим қонунларнинг сифати ва мазмуни жамиятда юзага келаётган ижтимоий муносабатларнинг мазмун-моҳиятини зарур даражада акс эттирмаслиги, учинчидан, қабул қилинадиган қонун лойиҳаларида амалдаги қонун ҳужжатларидан фарқ қиладиган тафовут, такрорларга йўл қўйилганлиги, бошқа ҳужжатларга ҳавола қилиш ҳолатларининг кўплиги, тўртинчидан, қонун лойиҳаларини кенг жамоатчилик томонидан муҳокама этиш ва нодавлат тузилмаларнинг иштирокини таъминлашга етарлича эътибор қаратилмаганлиги, бешинчидан, қонун лойиҳаларини илмий ва ихтисослашган экспертизалардан ўтказиш амалиёти етарлича ривожланмаганлиги қонун ижодкорлиги экспертлик таъминотини такомиллаштириш заруратини вужудга келтирмоқда.

Шундан кўриниб турибдики, қонун ижодкорлиги соҳасида ҳал этилиши

¹ Papazoski Z. Development of Parliamentary Research Services in Central Europe and the Western Balkans. – Bratislava, National Democratic Institute for International Affairs. 2013. – P. 65-66.

лозим бўлган вазифалар талайгина. Ушбу вазифаларни ҳал этиш тизимли асосда ёндашувни талаб этади. Бинобарин, қонунларнинг сифатли яратилишига эришиш учун, аввало, қонун ижодкорлиги жараёнида экспертиза ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий, илмий-назарий асосларини мустаҳкамлаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ушбу мақсадда тадқиқотчи қонун лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирларни тўртта гуруҳга бўлиб, таснифлаган. Яъни, *биринчидан*, экспертиза ўтказишнинг илмий-назарий асослари ва экспертлар тайёрлаш жараёни; *иккинчидан*, экспертиза ўтказишнинг ҳуқуқий асослари; *учинчидан*, экспертиза ўтказишнинг ташкилий асослари; *тўртинчидан*, экспертиза ўтказишнинг методологик асосларини такомиллаштириш каби йўналишлар ажратилиб, мазкур йўналишлардаги чора-тадбирлар ҳақида таклифлар билдирилган.

Бундан ташқари, кўрсатилган йўналишларда амалдаги қонун ҳужжатларини таҳлил этиш, ижтимоий сўров ўтказиш, хорижий тажрибани таҳлил қилиш натижасида қонунчиликда аниқланган бўшлиқни бартараф этиш ҳамда экспертлик фаолияти билан шуғулланувчи тузилмалар ваколатларини янада такомиллаштириш бўйича тавсиялар билдирилган.

Ушбу бобнинг сўнгги учинчи параграфиди («Қонун ижодкорлигида экспертлик тузилмалари фаолияти кафолатларини кенгайтириш масалалари») қонун ижодкорлигида экспертлик тузилмалари фаолияти кафолатларини кенгайтириш масалалари ҳақида фикр юритилиб, улар икки гуруҳга бўлиниб, тавсифланган. Унга кўра, биринчи гуруҳ кафолатлар сифатида сиёсий-ҳуқуқий ва ташкилий кафолатлар келтириб ўтилган. Сиёсий-ҳуқуқий кафолатлар деганда, экспертлик тузилмаларининг тузилиши ва фаолият кўрсатишининг эркинлиги ҳамда экспертлик фаолияти билан шуғулланадиган ташкилотларга тақдим этилган ҳуқуқлардан тўлиқ фойдалана олиш имкониятини тушуниш лозимлиги таъкидланган. Шунингдек, уларнинг қонун билан белгиланган ҳуқуқларини камситиш ва экспертлик фаолиятига аралаштиришга йўл қўйилмаслиги, аралашганлик учун муайян ҳуқуқий жавобгарликнинг мавжуд бўлиши кабилар келтириб ўтилган.

Иккинчи гуруҳ кафолатлари сифатида ижтимоий ва моддий кафолатлар эътироф этилиб, у ўз ичига ушбу тузилмалар ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларга мақсадли грантлар тақдим этиш, улар фаолиятини маънавий рағбатлантириш чораларини қамраб олиши таъкидланган ҳамда мазкур йўналишдаги асосий вазифалар очиб берилган.

Шунингдек, ушбу параграф доирасида диссертант томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонунига тегишли ўзгартиш ва қўшимча киритиш, экспертлик тузилмалари ваколатларини такомиллаштиришга оид муҳим илмий-амалий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган.

ХУЛОСА

Мустақиллик йилларида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар давлат ҳокимиятини амалга оширишнинг демократик асосларини яратиш, қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди. Айтиш мумкин мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун янгича ёндашув ҳамда тамойиллар ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида қонун ижодкорлигидаги камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш мақсадида Қонунчилик ва норматив ҳужжатлар ижодкорлигини такомиллаштиришга доир концепция ишлаб чиқиб, амалга оширишимиз лозим эканлиги таъкидланган эди¹. Ушбу вазифани сифатли амалга оширишда замонавий талабларга мос келадиган қонун ижодкорлиги механизмини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада қонун ижодкорлигининг ажралмас таркибий қисми бўлган экспертлик таъминоти имкониятларини кенгайтириш, қонун ижодкорлигида ўтказиладиган экспертизага оид муносабатларни тадқиқ этиш ҳамда тадқиқот олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш натижаларига кўра, қуйидаги хулосаларга келинди ҳамда ушбу соҳадаги қонунчиликни ва ташкилий механизмларни такомиллаштириш юзасидан қатор назарий, амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

I. Илмий-назарий хулосалар

1. «Қонун лойиҳалари экспертизаси» тушунчасига қуйидагича таъриф бериш таклиф этилди: «*Қонун лойиҳалари экспертизаси* – махсус билим ва малакага эга эксперт ёки экспертлар гуруҳининг қонун лойиҳалари юзасидан натижаси хулоса тарзида расмийлаштириладиган, уларда йўл қўйилган турли камчиликларни аниқлаш, бартараф этиш, қонун лойиҳаларининг миллий қонунчилик тизими, халқаро ҳуқуқ нормалари, қонунчилик техникаси, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар мақсадига қанчалик мувофиқлигини баҳолаш асосида асослантирилган тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилган фаолият».

2. «Қонун лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш механизми» тушунчасига қуйидагича таъриф бериш таклиф этилди: «*Қонун лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш механизми* – қонун лойиҳаларини турли экспертизалардан ўтказишга ихтисослашган тузилмалар, унинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва экспертлик фаолиятига оид муайян кетма-кетликда амалга ошадиган муносабатлар мажмуи».

3. Қонун лойиҳалари экспертлик фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида, унинг қатор принципларга асосланиши зарурлиги қайд этилди. Шунга кўра, қонун ижодкорлигида ўтказиладиган экспертиза фаолиятида *илмийлик, мустақиллик, қонунийлик, холислик, жамият ва давлат манфаатлари устуворлиги, ижтимоий адолат, лойиҳанинг тартибга солиш таъсири ва*

¹ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – 80 б.

оқибатларини прогноз қилиш, жавобгарлик каби принципларни белгилаш таклиф этилди. Бундан ташқари, қонун ижодкорлигининг экспертлик таъминоти баҳолаш, ахборот бериш, қонунийликни ҳимоя қилиш, такомиллаштириш, профилактика каби функцияларни бажариши асослантирилди.

4. Қонун лойиҳаларини экспертизадан ўтказишни бир неча асосларга кўра таснифлаш мумкинлиги асослантирилди. Биринчидан, қонун ижодкорлиги босқичларида, яъни қонунчилик ташаббуси босқичи ва қонун лойиҳаси муҳокамаси босқичларида ўтказилишига кўра; иккинчидан, қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этувчи субъектларга кўра; учинчидан, экспертизадан ўтказилаётган қонун лойиҳасининг ҳажмини қамраб олинганлигига кўра; тўртинчидан, экспертизанинг фан ва техниканинг муайян ихтисослигига тегишлилигига кўра.

5. Қонун лойиҳалари экспертизаси, биринчидан, унинг мақсади, асосан, қонун лойиҳаларини қонунчилик техникаси қоидаларига нечоғлик мувофиқлигини баҳолашга қаратилган бўлиши; иккинчидан, қонун лойиҳалари мазмуни замонавий илм-фан ютуқлари асосида баҳоланиши; учинчидан, экспертлар муайян махсус билимларга эга бўлишлари; тўртинчидан, экспертларнинг ўз фаолиятида холислиги ва ҳуқуқий ҳимояланганлиги таъминланган бўлиши лозимлиги асослантирилди.

6. Мустақиллик йилларида қонун лойиҳалари экспертизасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ривожланишини 1991-2000, 2000-2012, 2012-2016, 2017 йилдан ҳозиргача бўлган даврга бўлиб ўрганиш асослантирилди. Таъкидлаш ўринлики, «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» асосида қонун ижодкорлигини 2017-2021 йиллардаги ривожлантириш истиқболи белгилаб берилди.

7. Ҳуқуқий экспертиза қонуннинг ҳуқуқий мазмунини шакллантиришда муҳим ўрин тутди. У, биринчи навбатда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституция ва қонунларга, халқаро ҳуқуқ нормаларига қанчалик мослиги, уларда ижро механизмларининг яратилиши ва ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги таъсирини оширишга жиддий эътибор бериши, унинг ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқармаслик омилларини ҳисобга олиши, имкон қадар ҳаволаки нормаларни камайтириш ва такрорланишларнинг олдини олиши, шунингдек, қонунчилик техникаси талабларига тўлиқ риоя этилишига эришиш, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишдан олдин у қабул қилингандан сўнг ижтимоий муносабатларга қандай таъсир қилишини прогнозлашга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

8. Қонун лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизаси ва муҳокамаси жамоатчилик назоратининг муҳим шаклари ҳисобланади. Мазкур шаклларга қонун лойиҳаларини кенг муҳокама этиш, аҳоли қатламлари манфаатлари инобатга олиш ҳамда адолат ва эркинлик ғояларини ифода этишнинг муқобил воситаси сифатида қаралмоғи лозим.

9. Қонун ижодкорлигида иштирок этадиган экспертлик тузилмалар фаолияти кафолатларини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: биринчи гуруҳга сиёсий-ҳуқуқий ва ташкилий кафолатлар, иккинчи гуруҳга шу каби тузилмалар фаолиятининг ижтимоий ва моддий кафолатлари киради. Улар ўз

ичига экспертлик тузилмаларининг тузилиши ва фаолият эркинлиги, эксперт фаолиятига аралашининг йўл қўйилмаслиги, аралашганлик учун ҳуқуқий жавобгарликнинг муқаррарлиги, ушбу тузилмалар ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларга мақсадли грантлар тақдим этиш, улар фаолиятини моддий ва маънавий рағбатлантириш чораларини кўришни назарда тутати.

II. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва қонун лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш механизмларини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар

10. Мамлакатимиз ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида муҳим аҳамият касб этувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий ва бошқа турдаги экспертизадан ўтказиш борасидаги муносабатларни комплекс тартибга солиш мақсадида *«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг экспертизаси тўғрисида»*ги Ўзбекистон Республикаси қонунини қабул қилиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишга оид муносабатларни тартибга соладиган *«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида»*ги Ўзбекистон Республикаси қонунини қабул қилиш жоиз. Ушбу соҳада махсус қонунларнинг қабул қилиниши қонун лойиҳалари бўйича экспертиза амалиётида ягона ёндашув ва тартибот шаклланишига хизмат қилади.

11. Ўзбекистон Республикасининг *«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»*ги қонунига 4¹-моддани киритиш ва унда ҳар қандай қонун ва норма ижодкорлигининг принциплари сифатида Конституциянинг устуворлиги, қонунийлик, демократизм, ижтимоий адолат, жамоатчилик фикрини ўрганиш, очиқлик, қонунийликнинг ягоналиги, тизимлилик каби принципларни белгилаш лозим.

12. Қонун ижодкорлигида экспертлик хизматлари сифатини ошириш мақсадида қонун ижодкорлиги субъектлари фаолиятига жалб этиладиган экспертларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тартибини такомиллаштириш лозим. Шу мақсадда, Қонун ижодкорлигида экспертлик хизматларига ҳақ тўлаш тўғрисида низом қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

13. Қонун ижодкорлиги экспертизасида иштирок этувчи субъектлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, улардаги ходим ва мутахассислар малакасини ошириш мақсадида қуйидаги махсус ўқув курслари ўқитилишини йўлга қўйиш таклиф этилади:

янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари учун «Норма ижодкорлиги ва қонунчилик техникаси» ўқув курсларини жорий этиш;

янги сайланган халқ депутатлари Кенгашлари депутатлари учун «Норма ижодкорлик техникаси» ўқув курсларини жорий этиш;

давлат бошқарув органлари юридик хизмат ходимлари учун «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар экспертизаси» ўқув курси ўқитилишини йўлга қўйиш;

олий юридик таълим муассасалари магистратурасида «Норма ижодкорлиги ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар экспертизаси» ўқув курси ўқитилишини йўлга қўйиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Банк-молия академияси тингловчилари учун «Норма ижодкорлиги техникаси» ўқув курси ўқитилишини йўлга қўйиш.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг давлат ва хўжалик бошқарув органлари юридик хизматлари билан қонун ижодкорлигига оид ҳамкорлигини янада кучайтириш лозим. Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан давлат ва хўжалик бошқарув органлари юридик хизмат ходим ва мутахассисларини келишув асосида ихтисослашган ёки комплекс экспертизаларни ўтказишга жалб қилиш амалиётини кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

15. Қонун ижодкорлиги самарадорлигини ошириш мақсадида қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишувга доир ахборот алмашишнинг электрон дастурини ишлаб чиқиш лозим. Ушбу дастурга қонун лойиҳаларининг электрон шаблонларини, юридик атамалар базаси ва қонунчилик техникаси қоидаларига оид маълумотлар базасини жойлаштириш ҳамда у орқали қонун лойиҳаларини идоралараро электрон келишиш имкониятини яратиш лозим. Ушбу дастурдан барча давлат органлари фойдаланиш имконияти назарда тутилиши зарур.

16. Қабул қилинаётган қонунларнинг иқтисодий асосланишини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонуни 21-моддасини қуйидаги иккинчи қисм билан тўлдириш лозим: «Агар норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси давлат бюджетидан ҳаражатлар шунингдек, тадбиркорлик субъектларидан иқтисодий ҳаражатлар талаб этса, молиявий ва иқтисодий экспертизалардан ўтказилиши шарт».

Ушбу йўналишда ваколатли орган ва ташкилотларни белгилаш таклиф этилди. Хусусан, қабул қилинаётган қонунларнинг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва давлат бюджетига таъсири бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ўз ваколатларига кирадиган масалалар бўйича экспертизадан ўтказишга оид вазифаларини белгилаш асослантирилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси тўғрисида Низомга мазкур орган ваколатига кирадиган масалалар бўйича қонун лойиҳаларини молиявий ва иқтисодий экспертизадан ўтказиш ҳуқуқини белгилашга оид нормаларни киритиш таклиф этилди.

17. Ишлаб чиқилаётган қонун лойиҳалари ва қабул қилинган қонунларнинг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолашда Иқтисодиёт вазирлиги ва бевосита ушбу соҳада ваколатли органларнинг мазкур жараёнда иштирок этиши бўйича аниқ норма белгиланмаган. Бизнингча, тадбиркорлик ва бошқа иқтисодий фаолият соҳасидаги қонунлар амалий таъсирини баҳолашда Иқтисодиёт вазирлиги мувофиқлаштирувчи вазифани бажариши лозим. Шу боис мазкур низомга Иқтисодиёт вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тадбиркорлик ва бошқа иқтисодий фаолиятига таъсирини баҳолаш жараёнидаги иштироки шарт эканлигини алоҳида белгилаш лозим.

18. Эксперт фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида қонун лойиҳалари экспертизасини тайинлаш ҳақидаги қарорда экспертлар олдида саволлар қўйиш лозим эканлигини асослантирилди. Шунингдек, айрим турдаги

экспертизалар бўйича экспертлар олдига қўйиладиган намунавий саволларни тегишли қонунчиликда белгилаш зарурлиги таклиф этилди.

19. Қонун тилининг мукамаллиги ва сифати юридик-лингвистик экспертиза ўтказилишига боғлиқ. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институтида Қонунчилик тили тадқиқот бўлими фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда шу турдаги экспертизани ўтказишни мазкур институт ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси зиммасига юклаш лозим. Қонун лойиҳаларини ушбу турдаги экспертизадан ўтказиш амалиётини ташкил этиш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқиш жоиз.

20. Қонун ижодкорлигида ўтказилаётган жамоатчилик, молиявий, иқтисодий, илмий экспертизаларнинг сифатини яхшилаш мақсадида «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги намунавий, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини молиявий, иқтисодий ҳамда бошқа турдаги экспертизалардан ўтказиш тартиби тўғрисидаги алоҳида низомларни ишлаб чиқиш лозим.

21. Бугунги кунда норма ижодкорлигида илмий экспертиза ўтказишга бўлган эҳтиёж ва қизиқиш ошиб бормоқда. Шу сабабдан, мазкур экспертиза ўтказиш жараёнини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунида унинг умумий асосларини белгилаш ҳамда ушбу турдаги экспертизани ўтказиш тартиби тўғрисида махсус низомни ишлаб чиқиш лозим. Шунингдек, қонун ижодкорлигининг барча босқичларида турли йўналишдаги малакали илмий экспертиза ўтказиш амалиётини кенгайтириш ҳамда илмий тадқиқот муассасалари, бошқа ташкилотлар (судьялар ассоциацияси, адвокатлар палатаси, олий таълим муассасалари ва ш.к.) билан қонун ижодкорлиги субъектлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги шартномалар тузиш амалиётини йўлга қўйиш зарурати вужудга келмоқда.

22. Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни 18-моддасида қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш тартиби белгиланган. Мазкур нормани самарали ижро этиш мақсадида уни қуйидаги иккинчи қисм билан тўлдириш лозим: «Лойиҳани тайёрлаш тўғрисидаги қарорда лойиҳани тайёрлашнинг ташкилий масалалари, уни молиялаштириш тартиби, уни манфаатдор ташкилотлар билан келишиш ёки зарур экспертизалардан ўтказиш тартиби ва кетма-кетлиги белгиланиши мумкин». Чунки амалиётда, айрим ҳолларда, лойиҳани турли ташкилотлар билан келишиш ва экспертизадан ўтказиш кетма-кетлиги турлича изоҳланади ҳамда якуний ҳулосага келиш учун ортиқча вақт сарфланади. Агар ваколатли орган кетма-кетликни олдиндан белгиласа, лойиҳа устида тизимли ва режали иш олиб боришга шароит яратилади.

23. Ўзбекистон Республикаси «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Қонунининг 27-моддасида қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритилаётганда

қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти томонидан қонун лойиҳаси бўйича ўтказилган экспертлик хулосалари нусхаларини тақдим этиш шарт эканлигини белгилаш лозим. Чунки ҳар бир экспертлик хулосаси қонун чиқарувчи органга зарур маълумот манбаи бўлиб, у қонун нормаларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, депутатларнинг экспертлик-таҳлилий маълумотларга эга бўлиши шу каби экспертлик текширувлари такрор ўтказилишининг олдини олади.

24. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан қонун ижодкорлигига халқаро экспертларни жалб этиш ёки қонун лойиҳасини халқаро ташкилотлар ёхуд хорижий давлатларда экспертизадан ўтказишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг Қонунчилик палатаси қўмиталарининг ваколатлари белгиланган 18-моддасини қуйидаги банд билан тўлдириш лозим: «Қонунчилик палатаси қўмиталари киритилган қонун лойиҳаларини баҳолаш учун халқаро (хорижий) ташкилотлар вакилларини таклиф этиш ёки уларга лойиҳани баҳолаб бериш учун юбориш тўғрисидаги таклифни Қонунчилик палатаси Кенгашига киритади». Шунга мувофиқ, Қонунчилик палатаси Кенгаши қарорига кўра, қонун лойиҳаси халқаро (хорижий) экспертизадан ўтказиш учун юборилиши мумкин.

25. Қонунчиликда гендер тенгликни таъминлашнинг қафолатларини кучайтириш мақсадида янги қабул қилинадиган қонун лойиҳалари алоҳида гендер экспертизасидан ўтказилиши лозим. Шу мақсадда, қонун лойиҳаларини ушбу турдаги экспертизадан ўтказиш амалиётини ташкил этиш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқиш зарур. Бундан ташқари, хотин-қизлар ҳуқуқларига тегишли қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасидан экспертлик хулосасини олиш тартибини жорий этиш лозим. Шунингдек, агар қонун лойиҳаларида оилавий муносабатларни тартибга солишга оид қоидалар бўлса, Республика «Оила» илмий-амалий марказидан хулоса олиш тартибини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

26. Ўзбекистон Республикасининг «Экологик экспертиза тўғрисида»ги қонуни 11-моддасида давлат экологик экспертизаси объектлари белгиланган бўлиб, унга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари киритилмаган. Қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларида экологик талабларнинг етарлича акс эттирилишини таъминлаш мақсадида экологик экспертиза назорати объекти доирасига норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳам киритиш таклиф этилди.

27. Таълим ва тарбиянинг аҳамияти кундан кун ошиб бораётган ҳозирги вақтда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини педагогик экспертизадан ўтказиш долзарб аҳамиятга эга. Шу сабабли, ушбу экспертизани ўтказиш тартибини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш лозим. Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунида (26-модда) таълимни бошқариш бўйича махсус ваколат берилган давлат органларининг таълимга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини қонунчиликда белгиланган тартибда педагогик экспертизадан ўтказишга оид ваколатини белгилаш асослантирилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Уч.23.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ АКАДЕМИИ ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ
ПРИ ПРЕЗИДЕНТЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**АКАДЕМИЯ ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ ПРИ
ПРЕЗИДЕНТЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

ХАЙИТОВ ХУШВАКТ САПАРБАЕВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ОРГАНИЗАЦИОННО-ПРАВОВЫХ ОСНОВ
ПРОВЕДЕНИЯ ЭКСПЕРТИЗЫ В ЗАКОНОТВОРЧЕСТВЕ**

**12.00.02 – Конституционное право. Административное право.
Финансовое и таможенное право.**

**АВТОРЕФЕРАТ
докторской (DSc) диссертации по юридическим наукам**

Ташкент – 2018

Тема докторской диссертации зарегистрирована под номером В2017.3.DSc/Yu67 Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (<http://www.dba.uz/uz/tadqiqotchilarga/ilmij-kengash>) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» (www.ziynet.uz).

Официальные оппоненты:

Хамедов Иса Ахлиманович
доктор юридических наук, профессор.

Мухамеджанов Омонулла Зокирович
доктор юридических наук, профессор.

Рузиев Зафар Райимович
доктор юридических наук, доцент

Ведущая организация:

Центра повышения квалификации юристов при Министерстве юстиции Республики Узбекистан.

Защита диссертации состоится «___» _____ 2018 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Yu.23.01 при Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан (Адрес: 100003, г. Ташкент, улица Ислама Каримова, д.45. Тел.: (99871) 239-89-00, (99871) 232-60-71; e-mail: info@dba.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан (зарегистрирован за № _____). Адрес: 100003, г. Ташкент, улица Ислама Каримова, 45. Тел.: (99871) 232-61-25).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2018 года.
(протокол реестра № ___ от «___» _____ 2018 года)

О.Т. Хусанов

Председатель Научного совета по присуждению ученой степени доктора наук, доктор юридических наук, профессор

Ж.Н. Нематов

Секретарь Научного совета по присуждению ученой степени доктора наук, доктор философии по юридическим наукам (PhD)

И.Т. Тультеев

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор юридических наук, доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (DSc) диссертации)

Актуальность и востребованность темы исследования. В странах мира проблема обеспечения качества законодательства все более и более приобретает актуальное значение. В частности, утвержденная на основе Резолюции 41/128 Генеральной Ассамблеи ООН от 4 декабря 1986 года Декларация о праве на развитие, подчеркнув, что человек - основной субъект процессов развития, определила обязанности государств по обеспечению развития прав людей. Кроме того, показана необходимость принятия государствами прогрессивных прочных мер национального и международного уровня путем разработки и внедрения политических и законодательных программ. Авторитетные международные организации: Программа развития Организации Объединенных Наций, Организация экономического сотрудничества и развития (ОЭСР), Всемирный банк, Всемирная организация интеллектуальной собственности и другие международные организации оцениваются как один из ключевых факторов, определяющих рейтинг развития стран по различным показателям, таким как деятельность политических структур состояние и качество законодательства государств¹.

В мире особое внимание уделяется научным исследованиям по применению эффективных средств совершенствования законодательства в законотворческой деятельности развитых стран, развитию экспертного обеспечения данной отрасли и изучению проблем законодательства. В этой связи важное значение имеют исследования по повышению качества процессов разработки и принятия законопроектов, обеспечению соответствия правовой базы общепризнанным принципам и нормам международного права, внедрению в нормотворческий процесс современных информационно-коммуникационных технологий, усилению институциональных основ нормотворческой деятельности, повышению уровня влияния общественных обсуждений на законотворчество, эффективному налаживанию прогнозирования и оценки последствий, которые могут возникнуть при внедрении законов.

В нашей стране проводятся широкомасштабные мероприятия в целях правового обеспечения осуществляемых реформ. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах определены такие задачи, как «коренное повышение качества законотворческой деятельности, направленное на усиление влияния принимаемых законов на ход общественно-политических, социально-экономических, судебно-правовых реформ»². А это требует повышения качества процесса подготовки и принятия законов в законотворческой деятельности государства, обеспечения устойчивости правового

¹ www.undp.org, www.worldbank.org, www.globalinnovationindex.org

² Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП – 4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» // Сборник законодательных актов Республики Узбекистан, 2017 г., № 6, статья 70.

регулируемые законами общественные отношения, повышение эффективности экспертизы законопроектов, формирование категоричных требований при проведении экспертизы законопроектов, всестороннее глубокое обоснование норм закона, развитие организационно-правовых механизмов проведения в законотворчестве правовых, антикоррупционных, экономических, гендерных, юридико-лингвистических и других экспертиз.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит обеспечению выполнения задач, указанных в Законах Республики Узбекистан «О нормативно правовых актах», «О порядке подготовки проектов законов и их внесения в Законодательную палату Олий Мажлиса Республики Узбекистан», «О противодействии коррупции», «Об общественном контроле», Указе Президента Республики Узбекистан от 22 января 2018 года № УП – 5308 «О Государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах в «Год поддержки активного предпринимательства, инновационных идей и технологий», Указе Президента Республики Узбекистан от 8 августа 2018 года № УП – 5505 «Об утверждении концепции совершенствования нормотворческой деятельности», Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан от 17 октября 2016 года № 345 «О мерах по дальнейшему совершенствованию законопроектной деятельности правительства Республики Узбекистан», а также других нормативно-правовых актах.

Связь исследования с основными приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Настоящее диссертационное исследование выполнено в рамках приоритетного направления I. «Духовно нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики» развития науки и технологий республики.

Комментарий зарубежных научных исследований по теме диссертации¹. Научные исследования, направленные на экспертное обеспечение законотворческой деятельности, а также исследование законодательных проблем проводятся в ведущих научных центрах и в высших образовательных учреждениях мира, в частности, Congressional Research Service, Gruter Institute for Law and Behavioral Research, University of California (США), The Manchester Centre for Regulation and Governance, Economic and Social Research Council, Parliamentary Office of Science and Technology (Великобритания), Continental law Foundation (Франция), The University of Ottawa (Канада), Intellectual Property Law and Policy Institute at Meiji University, Institute of Legal Studies at Kansai University (Япония), The National Assembly Research Service (Республика Корея), The Institute of Law (КНР), Центре правовых исследований и развития законодательства, Институте законодательства и сравнительного правоведения (Россия),

¹Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации: www.harvard.edu, www.dsca.mil, www.nyu.edu, www.law.wustl.edu, www.ox.ac.uk, www.cam.ac.uk, www.uni-koeln.de, mta.hu, www.uni-frankfurt.de, www.pantheonsorbonne, <https://msal.ru>, jurtech.org, www.ulim.md, www.tsul.uz.

Институте проблем законодательства и парламентских исследований при Олий Мажлисе Республики Узбекистан, Ташкентском государственном юридическом университете (Узбекистан).

В результате проведенных в мире исследований по повышению эффективности института экспертизы в законотворческой деятельности был достигнут ряд следующих научных результатов, в частности: обосновано принятие во внимание влияния права на поведение человека (Gruter Institute for Law and Behavioral Research); обоснована необходимость формирования онлайн информационных систем предложений представителей научного и экспертного круга по совершенствованию законодательства и правового регулирования (Parliamentary Office of Science and Technology); через правовые исследования раскрыта необходимость действия комплексной системы оценки влияния права на общественные отношения (The University of Ottawa); на основе сотрудничества специалистов различных отраслей раскрыта возможность решения влияния международных отношений на правовую систему (Institute of Legal Studies at Kansai University); обосновано, что исследовательские учреждения выполняют задачи «банков идей», «мозговых трестов» (The Institute of Law); разработана методика выявления потребности правового регулирования определенных общественных отношений в законотворчестве и учета особенностей их социально-экономического развития (Центр правовых исследований и развития законодательства); путем формирования оптимальной модели взаимосвязи науки и практики раскрыт механизм обеспечения научной обоснованности законопроектов (Институт проблем законодательства и парламентских исследований при Олий Мажлисе Республики Узбекистан).

